

## **Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендияси ва номли давлат стипендиялари номзодлари учун тайёрланадиган ҳужжатлар рўйхати ва уларга қўйиладиган талаблар**

### **I. Ҳужжатлар рўйхати**

**Номзодларнинг йиғма жилдида қуйидаги ҳужжатлар бўлиши лозим:**

- 1) Факультет деканати ва кафедра тавсияномаси;
- 2) Рейтинг дафтарчаси кўчирмаси (кўчирма деканат ёки университетнинг муҳри билан тасдиқланиши лозим);
- 3) Илмий (ижодий) ишлар рўйхати (белгиланган шакл бўйича);
- 4) Илмий (ижодий ишларнинг аннотацияси);
- 5) Илмий (ижодий) ишларнинг босма нусхалари;
- 6) Илмий (ижодий) ишлар бўйича раҳбар ва кафедранинг фикр-мулоҳазаси;
- 7) Паспорт нусхаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат стипендиялари номзодлари учун қўшимча равишда қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

- 1) Номзоднинг бакалаврият ва магистратурага кириш тест синовларида тўпалаган бали;
- 2) Таржимаи ҳоли;
- 3) 10x15 см ўлчамдаги рангли фотосурат.

Қайд этилган ҳужжатлар йиғма жилдга рўйхатда келтирилган кетма-кетликда жойланади. Йиғма жилд муқовасида тавсиянома берган вазирлик, ишни тақдим қилган олий таълим муассасаси, Давлат стипендияси номи, номзоднинг исми-шарифи, таълим соҳаси, таълим йўналиши (мутахассислиги) шифри ва номи, курси ва гуруҳи кўрсатилади.

### **2. Тақдим этиладиган ҳужжатларга қўйиладиган талаблар.**

1) Факультет деканати ва кафедра тавсияномасида талабанинг ўқиш ва илмий (ижодий) фаолияти, жамоатчилик ишларидаги иштироки баён этилади, хулоса қилинади. Тавсиянома факультет декани ва кафедра мудирини томонидан имзоланади ва факультет муҳри билан тасдиқланади.

2) Талабанинг рейтинг дафтарчаси нусхаси ҳар бир варағи декан имзоси ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт.

3) “Ўзбекистон тарихи”, “Информатика ва ахборот технологиялари”, “Чет тили” фанларидан ўтказилган синов натижалари қайдномаси. Махсус комиссия томонидан ҳар бир фандан синов ўтказиш тартиби ва баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилади ва тасдиқланади. Фанлардан синовлар ўтказиш жадвали тузилади ва танлов иштирокчиларига синов ўтказиш кунидан камида 5 кун олдин хабар қилинади. Ҳар бир фан учун маслаҳат камида бир кун ва синов ўтказиш учун эса бир кун ажратилади.

Номзод давлат тилини ва битта хорижий (МДҲ мамлакатлари давлат

тилидан ташқари) тилни билиши талаб этилади. Ҳар бир тил бўйича алоҳида синов ўтказилади ва алоҳида қайдномалар расмийлаштирилади. Фанлардан талабаларнинг билимлари 100 балли тизимда баҳоланади.

4) Илмий (ижодий) ишлар рўйхати иловага мувофиқ тақдим этилади. Рўйхатга номзоднинг чоп этилган илмий (ижодий) ишлари киритилади. Номзод томонидан ўқув-услубий материаллар ҳаммуаллифликда нашр этилган тақдирда, номзоднинг ҳиссаси аниқ кўрсатилади ва илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор томонидан тасдиқланган розилик хати қўшиб берилади. Ўқув-услубий материалларнинг энг камида университет ўқув-услубий кенгаши қарори асосида нашр этилганлари инобатга олинади. Рўйхат илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор томонидан имзоланади ва университет муҳри билан тасдиқланади.

5) Илмий (ижодий) ишларнинг аннотациясида илмий (ижодий) ишнинг қисқа ва ихчам таснифи келтирилади. Аннотация муаллиф томонидан ёзилади ва муаллиф ва илмий раҳбар томонидан имзоланади.

6) Номзоднинг илмий (ижодий) ишлари чоп этилган илмий журнал, тўплам ва газеталарнинг асл нусхалари тақдим этилади. Асл нусхалари катта ҳажмни ташкил этган тақдирда, унинг муқоваси, мундарижаси, мақоласидан нусхаси олиниб, илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

7) Номзоднинг илмий (ижодий) ишининг долзарблиги, ўрганилганлиги, мақсад ва вазифалари, изланиш услублари, муҳим натижалари ва истиқболи бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилади. Илмий раҳбари ва кафедра фикр-мулоҳазаларни алоҳида-алоҳида билдиришлари мумкин. Фикр-мулоҳазалар илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор томонидан имзоланади ва муҳр билан тасдиқланади.

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ**

**Беруний номидаги давлат стипендиясига талабгор**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ АГРОЛОГИСТИКА  
ВА БИЗНЕС ФАКУЛЬТЕТИ, \_\_\_\_\_ ТАЪЛИМ СОҲАСИ  
5233100-“АГРОБИЗНЕС ВА ИНВЕСТИЦИОН ФАОЛИЯТ” ТАЪЛИМ  
ЙЎНАЛИШИ, \_\_-КУРС, -\_\_ ГУРУҲИ ТАЛАБАСИ**

**\_\_\_\_\_НИНГ**

**ХУЖЖАТЛАРИ ТЎПЛАМИ**

**ТОШКЕНТ – 2020**





